

«EUROASIA INSURANCE» АЖ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

.....
ийғилиш раиси Б.Шадиёв

«EUROASIA INSURANCE»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги кўшма корхона (кейинги шрифтларда – «Жамият») «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йилдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 31.12.2013 йилдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизиминижорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2383-сон билан 2012 йил 31 июль куни рўйхатга олинган «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари» (кейинчалик – «Қоидалар») асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Низом ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборот ва ҳужжатларни, шунингдек уларнинг Жамият томонидан тақдим этилиши тартиби ва муддатларини белгилайди.
2. Акциядорларнинг, инвесторларнинг, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ва бошқа манфаатдор шахслар (кейинги ўринларда – «манфаатдор шахслар»)нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган ахборот эҳтиёжини қондириш йўли билан Жамият фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ахборот сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади.
3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида уларнинг инвестиция ва бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун муҳим ишончли ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги махфий ахборотни ҳимоялашга йўналтирилади.
4. Ахборотни тижорат сирини тоифасига киритиш, ундан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилаш Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирини тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

5. Мунтазамлилик, тезкорлик, фойдалана олишлик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилик, мутаносиблик ва ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинганлиги ахборот сиёсатининг асосий принциплари ҳисобланади.
6. Мунтазамлилик принципи Жамият томонидан манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисидаги ахборотни доимий асосда тақдим этишга йўналтирилади.
7. Тезкорлик принципи манфаатдор шахсларни қисқа муддатларда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек унинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим ҳодиса ва фактлар тўғрисида хабардор қилишини аниқлатади.
8. Ахборотдан фойдалана олишлик деганда, манфаатдор шахсларнинг Жамиятнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиладиган ахборотдан эркин, бажарилиши қийин бўлмаган ва барча нарсага баравар таъсир кўрсатадиган тарзда фойдаланишини таъминлайдиган тарқатиш каналлари ва усуллари билан фойдаланиши тушунилади.
9. Тўлиқлик принципи Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга амалдаги ҳолатга мувофиқ ўзи тўғрисидаги салбий ахборотни ошкор этишдан чекинмаган ҳолда,

Жамият тўғрисида, Жамият фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлақонли тасаввур шакллантиришга имкон берадиган ҳажмдаги ахборотни тақдим этишини англатади.

10. Тенг ҳуқуқлилик принципи Жамиятнинг барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишда ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар таъминлашини англатади.
11. Мутаносиблик принципи Жамиятнинг очикчилиги ва шаффофлиги ўртасида оқилона мувозанатга риоя этилишини ва унинг тижорат манфаатлари таъминланишини кўзда туттади. Бунда қуйидагилар мажбурий шарт ҳисобланади:
 - 11.1. махфий ахборотни ҳимоя қилиш;
 - 11.2. қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш.
12. Ҳимоя қилинганлик принципи тижорат сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган ёки махфий ахборот ҳисобланадиган ахборотдан қонун ҳужжатларида руҳсат этилган усулларда ва воситаларда фойдаланишни назарда туттади.

III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ЭТИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

13. Жамият ошкор қилиниши мажбурий бўлган ахборотни Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор этади.
14. Ахборотни мажбурий равишда ошкор этиш қуйидагича амалга оширилади:
 - 14.1. Корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);
 - 14.2. Фонд биржасининг расмий веб-сайтида;
 - 14.3. Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;
 - 14.4. Оммавий ахборот воситаларида (мажбурий қисмида).
15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган ахборотларга эга ҳужжатларга қуйидагилар қиради:
 - 15.1. Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолларда);
 - 15.2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот;
 - 15.3. Жамиятнинг биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик яқунларига доир ҳисоботи;
 - 15.4. Жамият фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабар.
16. Жамият мазкур Низомнинг 15-бандида қайд этиб ўтилган ахборотни Қоидаларда белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.
17. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган ва (ёки) унда бўлган ҳолларда, Жамият барча зарур ахборотларни «Тошкент» РФБ биржа котировка варағи тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор этади.

18. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 йилдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган ахборотни ошкор этишни таъминлайди.
19. Қуйидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида мажбурий равишда ошкор этилиши шарт:
 - 19.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар;
 - 19.2. Жамиятнинг юридик манзили (почта адреси) ва электрон почта адреси ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарнома;
 - 19.3. Жамиятнинг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиш таклифи;
 - 19.4. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ахборот;
 - 19.5. Жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборот;
 - 19.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан белгиланган бошқа ҳолатларда.

IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ ВА РЎЙХАТИ

20. Жамият расмий веб-сайтнинг давлат тилидаги версиясида мавжуд барча ахборотни жойлаштирган ҳолда, унинг барча манфаатдор шахслар учун қулай бўлган бошқа тиллардаги версиясини яратиш йўли билан Жамиятнинг расмий веб-сайтini такомиллаштиришни таъминлайди.
21. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор этади:
 - 21.1. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборот;
 - 21.2. Жамиятнинг Ижроия (Бошқарув) органи ва унинг таркиби (аъзолари) тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг иш даври тўғрисидаги маълумот;
 - 21.3. Жамият Ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари;
 - 21.4. Жамият акцияларининг 20 фоизидан кўпига эгалик қиладигана акциядорлар тўғрисидаги ахборот;
 - 21.5. Жамиятнинг кутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда, инвестиция лойиҳалари шаклида амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техник қайта жихозлашни амалга ошириш бўйича режалари;
 - 21.6. Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда ва дивидендлар миқдорини асослаш, уларнинг Жамиятнинг дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтирилишини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;
 - 21.7. Мавжуд бўлган тақдирда, акция котировкалари бўйича ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари;
 - 21.8. Жамият бизнеси турлари бўйича капитал миқдори кўрсаткичлари ва Жамият капиталининг ўртача ҳисобланган миқдори;

- 21.9. Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари ва бу борада қарор қабул қилиш, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам тўғрисидаги ахборот.
22. Жамият Кузатув кенгаши ва Ижроия органга тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори тўғрисидаги ахборот акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор этилади ва акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига киритилади.
23. Жамият қонун ҳужжатларида ахборотни ошкор этиш кўзда тутилган бошқа манбаларда ҳам Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилишини таъминлайди.

V. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗARO АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

24. Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш учун ахборот алмашишни амалга ошириш вазифасини бажарувчи масъул ходимни тайинлайди.
25. Жамиятнинг масъул ходими манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим этишга доир ёзма (электрон) талабига кўра бир ҳафта ичида, агар қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, барча зарур ахборотни электрон кўринишда тақдим этади.
26. Ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиш зарурати туғилганда, манфаатдор шахслар сони ҳужжатлар нусхасини тайёрлаш харажатларидан ошмайдиган ҳақ ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.
27. Акциядорлар Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНING НАЗОРАТ ҚИЛИНИШINI ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

28. Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича таркибий бўлинманинг масъул ходими, бош бухгалтер, ёки шундай ваколатлар берилган шахс ушбу Низомда назарда тутилган ахборотни ошкор этилиши учун ва Жамият тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ахборот ошкор этилиши учун жавобгар ҳисобланади, бошқа масъул шахслар Жамият номидан иш кўришга ҳақли эмас, Ижроия орган раҳбари ва унинг ўринбосарлари бундан мустасно.
29. Жамият Ижроия органи раҳбари ахборотнинг тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ошкор этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Жамият ижроия органи ушбу Низомга мувофиқ ошкор этиладиган ахборотнинг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этилиши Ижроия орган фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан ва унга ҳақ (бонус) тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.
31. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорлари умумий йиғилиши мажлисида иштирок этган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорга асосан амалга оширилади.
33. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, ушбу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.